

Qishloq haёti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.kishlokhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan
chiqa boshlagan

Талаба ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёзги таътил давомидаги бўш вақтларини унумли меҳнатга сарфлашини таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида "Бунёдкор - 2007" талабалар меҳнат отряди ташкил этилган бўлиб, улар айни кунларда қизгин меҳнат билан бандлар. Ҳозир "Қорақалпоқирмонтажқурилиш" очик акционерлик жамиятида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг 50 нафар талабасидан иборат отряд Тахياتош шаҳридаги 3-сонли касб-хунар коллежи иморатини янги ўқув йилига таъйёрлаш мақсадида қизгин иш олиб бормоқда.

Балли, бунёдкор талаба!

Университет "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти раиси Қувончбой Юсупов, инглиз филологияси кафедраси ассистенти Жеткербой Сейтонов, амалий математика ва информатика кафедраси ассистенти Саломат Мирзатов талаба ёшлар қурилиш отрядига раҳбарлик қилиб, уларнинг унумли меҳнат қилиши, техник хавфсизлиги, иссиқ оқват билан таъминланиши, ишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун жонбозлик кўрсатишмоқда.

Шифокорларимиз ҳам, ҳамшираларимиз ҳам ёнимизда, - дейди математика факультети 2-курс талабаси Нурлан Сапаров. Тахياتош шаҳар ёшлар дастаси эса бу ерга тез-тез келиб, концерт уюштирилади. Бу бизнинг меҳнатга қизиқишимизни янада орттирмоқда.

Меҳнат қилиш билан бирга дўстлар ҳам ортираёпмиз, - дея суҳбатга қўшилади инглиз тили мутахассислиги 2-курс талабаси Азамат Султанов. - Қолаверса, иш билан машғул бўлиб, даромад ҳам топаёпмиз. Бундан ота-онамиз ҳам хурсанд. Энг аҳамиятлиси шундаки, бу ерда ишлаётган ҳар бир талаба қилаётган ишдан мамнун.

Университет маънавият ва маърифат ишлари бўйича проrektори Ботир Матмуродовнинг айтишича, 100 нафар талабадан иборат яна бир қурилиш отряди университетнинг 400 ўринли ётоқхонасини таъмирлаш билан банд экан.

Ҳидоят АХМЕДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қорақалпоқистон Республикаси

Таълим

Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Меҳр нури" хайрия жамғармаси ташаббуси билан таъсис этилган Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури бўйича саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Иқтидорларни кашф этиб

Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурида иштирок этиш учун бу йил бир минг икки юз нафарга яқин талаба ҳужжат топширди. Ҳужжатлар малакали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилди. Дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтган талабалар иккинчи босқич - суҳбатга таклиф этилди.

Улар орасидан юз нафар голибни танлаш учун номзодларнинг аъло баҳоларга ўқиши, етакчилик қобилияти, танлаган мутахассислиги ва мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишга бўлган интилиши билан боғлиқ жиҳатлар алоҳида инобатга олинди.

Ҳолибларга бир ўқув йили давомида қўшимча рағбатлантирувчи стипендиялар тўлаб борилади. Ўз иқтидори, ижодий салоҳиятини ўқув йили давомида тўлақонли намояндалар иштирокчиларга стипендия келгуси йилга ҳам узайтирилиши мумкин.

Дастурий янги голиблари шу йил сентябрь ойида ўтадиган тантанали тақдирлаш маросимида эълон қилинади.

(ЎЗА)



Мозий билан бўйлашган шаҳар

Самарқанднинг 2750 йиллиги тантаналарига ҳам санокли кунлар қолди. Ушбу тантаналар олтидан мухбиримиз Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзода Амриддин Бердимуродов билан суҳбатлашди.

— Самарқанд жуда қадимданок дунёда бой, обод шаҳар сифатида машҳурдир.

Маълумки, Самарқанд икки тарихий ўринга эга шаҳар бўлиб, у то 1220 йилгача ҳозирда Афросиёб деб аталадиган қадимги харобалар ўрнида қад кўтарган, бу шаҳарни Чингизхон бата-

мом вайрон қилгач, 1370 йилдан бошлаб Амир Темури ҳозирги Самарқандга асос солган. Афросиёб харобаларида тадқиқотлар олиб борган археологлар шаҳар бундан 2750 йиллар илгари бунёд қилинганлигини аниқлади.

"Самарқанд" номининг пайдо бўлиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. IX ас-

радаёқ тарихчи Тобарий ўзининг "Тарихи Тобарий" асарига Самар исми подшо асос солган ва унда энг аввал "Қанд" деган турк аймағи яшаганлиги сабабли "Самарқанд" деб аталганлигини ёзган. Қадимги санскрит тилида "СМРП" атамаси "чорраҳа", "саудо йўллари учрашган жой" деган тушунчани аниқлатган. Юнон тарихчиси Каллисфен "Самарқанд" номини ўз тилига мослаб "Мароканд" деб ата-



(Давоми 2-саҳифада)



Косон нефть-газ қидирув экспедицияси жамоаси мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрамини муносиб меҳнат тўхфаси билан қарши олишга аҳд қилишган.

— 2003 йилдан буён Қоратепа қонида 6 та қудук қазилди. Шундан 5 тасида иш якунланди, - дейди биз билан суҳбатда пармалаш устаси Маҳмуджон Ҳикматов. - 4 та қон нефть-газ экспедицияси томонидан синовдан ўтапти. 2 тасида газ, кондендат, 5-, 6-Янги Қоратепа қонидан нефть чиққан. 3-Янги Қоратепа қонида кондендат борлиги аниқланган. 9-Янги Қоратепа қонида иш бошлаганимизга қарий икки ой бўлди. 1686 метр пармалаш ишлари бажарилди. Лойиҳадаги 3600 метрлик қазми ишларини 2007 йил 8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қунигача тугатишни режалаштирғанимиз.

Мустақиллик байрамига эса 3000 метрлик маррани забт этишни мақсад қилганмиз.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

СУРАТДА: (чапдан) Акрам Қобилов, Маҳмуд Ҳикматов ҳамда Иноятилло Жуманазаров.

Қашқадарё вилояти



Истиқлолимизнинг 16 йиллиги олтидан

Келажакка сарфланаётган сармоя

Самарқанд вилояти Жомбой туманида яшовчи фермер Сафар Қамбаровнинг боши қотди: тасарруфда 110 гектар ери бор. 88 гектари суғориладиган ушбу майдоннинг 55 гектарига галла, қолганига пахта экади. Сир эмас, галла бошоқлари дегунча кўпчилик фермернинг тинчи бузилади - комбайн етишмайди. МТПда навбатда туриш керак. Пишиб етилган галла эса ўз вақтида ўриб-йиғиб олинмаса, ҳосилнинг баракаси учини тайин.

Фермер ниҳоят қатъий қарорга келди: «Комбайн сотиб олам!» У зарур ҳужжатларни йиғиб, «Пахта банк»ка борди. Банк «Класс» Доминатор-130 русумли комбайн сотиб олиши учун С.Қамбаровга 5 йил муддатта 122,3 миллион сўм кредит ажратди!

Фермер ўз комбайнини ишга солган дастлабки мавсумдаёқ 143 миллион сўм даромад қилди. Бугун С.Қамбаров сингари кўплаб фермерларимиз ана шундай имкониятни тақдим этаётган «Пахта банк» феолиятидан беҳад мамнун.

— Банкимиз давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан имзоланган «Пахта банк»ни ташкил этиш ҳақидаги қарорда белгилаб берилган вазифаларни изчил амалга ошириб келмоқда, - дейди «Пахта банк» бошқарув раисининг биринчи ўринбо-

сари Саъдулла Иноғомов, - Жумладан, пахта етиштирувчи ва уни қайта ишловчи хўжалик ҳамда ташкилотларни ривожлантириш учун молиявий маблағлар жамлаш, банк, валюта-инвестиция хизмати кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётир. 2006 йил-

да «Пахта банк»нинг жамланма капитали 66,2 миллиард сўмини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йил июлда 73 миллиард 247 миллион сўмга етгани бунинг яқин далилидир. Банкининг жами активлари 138 фойиз ўсди. Кредит қўйилмалари ҳажми 662

миллиард сўмини ташкил этди. «Кредит ажратилди...»

2006 йили банк томонидан пахта етиштиришни молиялаштириш учун 36 миң 256 қишлоқ хўжалик корхонасига жами 261,3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Галла етиштиришни молиялаштиришга йўналтирилган 55,3 миллиард сўмлик шундай кредитдан эса 30 миң 514 та қишлоқ хўжалик корхонаси баҳраманд бўлди.

Кичик бизнес субъектларига, фермер хўжаликларига ажратилаётган микрокредитлар ҳажми ҳам муттасил

ортиб бормоқда - йил бошидан бери 13,6 миллиард сўмдан ортик микрокредит берилди. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини қўлайтиришни рағбатлантириш мақсадида беш ярим миллиард сўмдан зиёд, тадбиркорлик феолияти билан шуғулланаётган хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 4,6 миллиард сўмдан ортик кредит ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 11 январда қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чораларни тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган агрофирмаларга банк хизмати кўрсатиш тақомиллаш шартини соҳанинг изчил ривожига хизмат қилмоқда. Хусусан, банкининг худудий филиали томонидан Бухоро вилоятидаги «Вобекан агромаҳсулотлари» агрофирмасига 45,5 миллион сўмлик кредит берилган, агрофирма маҳаллий маҳсулотдан тайёрланган консерва ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириш имконига эга бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)

Кўркамлик, замонавийлик ва салобат

Бунинг бари наманганлик қурувчилар барпо этаётган иншоотларда мужассам

Истиқлолимизнинг 16 йиллиги Наманган вилояти ҳокимлиги ягона биюртмаги инженеринг компанияси 93 та мактаб, 12 та коллеж, 19 та спорт иншоотлари топширишни режалаштирган.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта ва ўрта-



маҳсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, жорий йилда вилоятда 7260 ўқув ўрнига мўлжалланган 12 та касб-хунар коллежлари қурилиши қўзда тутилган эди.

— Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 11 миллиард 398,2 миллион сўм миқдорда бўнақ маблағлари молиялаштирилди, - дейди компа-

ния директори Баҳромжон Нурматов. - Натижада, 17 миллиард 465 миллион сўмлик (тендер қийматига нисбатан 77 фойиз) қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Бу эса ўтган йилга нисбатан 11 миллиард 247 миллион сўм кўп қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, деганидир.

Ҳар йилининг 10-ХММК МЧЖ вилоятда энг йирик қурилиш ташкилотларидан саналади. Жамоа бунёд этаётган турли хил иншоотлар, айниқса, илм масканлари ўқувчи мураббийларга бирдек манзур бўлмоқда. Яқинда тумандаги 660 ўринга мўлжалланган 34-сонли мактабни капитал реконструкция қилиб, муддатидан

олдин фойдаланишга топширди. - Атоқли алома Маҳмудхўжа Бехбудий илм масканларига дунё иморатларининг энг улуғи ва кўрками, дея бежиз таъриф бермаганлар, - дейди мактаб директори Марғуба

Отаева. - Муҳандислик, коммуникация инфратузилмаси тубдан янгилаштирилган ушбу иншоотлар ҳам шундай бўлиб қолиши шубҳасиз. Айни пайтда буш пудратчи 10-ХММК лойиҳа қиймати 1 миллиард 648 миллион сўмлик 540 ўринли спорт йўналишидаги касб-хунар коллежини яқинга етказиш аранасида. Бу ерда иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, 220 дан ортик ишчи сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Илм даргоҳида

шундай икки қаватли, барча шариоит ва қулайликларга эга замонавий илм даргоҳи барпо этилиши яқин-яқингача орзу бўлиб келарди.

— Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт", дея айтган сўзлари шундай илм масканларида тахсил олган ёшларимизнинг айтилган келажак манбаидир, - дейди фирма раҳбари Камол Тожибоев. - Ва биз қурувчилар ҳам Ватанимизнинг келажига, гуллаб-яшнашига, ислохотларга ўз ҳиссасини қўшаётганимиздан мамнумимиз.

Қиска қилиб айтганда, бу каби улкан бунёдкорлик ишлари вилоятнинг барча худудларида жадал суръатларда олиб борилаётган.

Давур ЖОЗИЛОВ
Наманган вилояти



Мозий билан бўйлашган шаҳар

(Боши 1-саҳифада)
Амир Темур 1370 йилдан бошлаб 35 йил давомида Шарқнинг энг қудратли ва юксак маданиятга эга давлатини барпо қилишга киришди. Амир Темур Самарқандда бири-биридан гўзал, бетакрор обидалар: Жомеъ масжиди, Кўксарой, Бўстонсарой каби саройларни, Амир Темур, Рўхобод, Бибиҳоним, Шохизинда каби мақбараларни бунёд қилди. Самарқандликлар дам олиб ҳордиқ чикаришлари учун шаҳар ичида ва атрофида бири-биридан гўзал, баҳаво, ҳушманзара 12 боғ саройни яратди. Бу ажойиб боғларнинг эшиклари кечаю кундуз барча учун очик эди. Амир Темур янги Самарқандни барпо этишга киришар экан, том маънода қадимги шаҳарсозлик маданиятини қайта тиклади, унга янгича ҳило, нафас бағишлади.

Албатта, Амир Темур Самарқандни пойтахт қилиб танлар экан, унинг жойлашган ўрни, тарихи, табиати, иқлими ва сув ресурсларини ҳар томонлама таҳлил қилди.

Амир Темур илм-фан, санъат ва маданиятга чин маънода ҳомиёлик қилгани туфайли Самарқандда меъморчилик, поэзия, монументал ранг-тасвир, манзаралик рағбат-тасвир, тўқимачилик, қўлчилик, заргарлик, нақшчилик, тоштарошлик, қандакорлик каби миллий ҳунармандчи-

лигимиз ривож топди. Уз даврининг энг моҳир меъморлари Самарқандда осмон-улар бинолари қуришиб, Амир Темур давлатининг шон-шухрати ва қудратини абадиётга муҳрадилар.

Тарих саҳифаларини варақласак, Самарқандда илм-фан ривожланиш жараёни IX-XII асрларда бошланганлигининг гувоҳи бўламиз. Айнан шу даврларда Самарқандда шайх имом Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Ҳасан Самарқандий, Мухаммад ан-Насафий ас-Самарқандий, Абулайс Самарқандий, Абу Фасл Мухаммад ас-Самарқандий, Ашраф Самарқандий каби етук алломалар яшаб ижод қилганлар.

XIV-XV асрларда Самарқанд Туроннинг энг улуғ даҳолари учун ижодий лаборатория вазифасини бажарди, негаким, бу даврларда юксак гоғлар, тафаккурлар, нодир санъат асарлари Самарқандда яратилар, ривожланар ва амалиётга айлиб Соҳибқирон давлати шухратини кўкка кўтарарди. Мирзо Улугбек даврида, айниқса, астрономия илми ўзининг юксак чўққуларига кўтарилди. Уша даврда Самарқандда Мирзо Улугбекнинг раҳбарлигида Қозизода Румий, Гивсиддин Жамшид, Али Қўшчи каби етук олимлар ижод қилди. Улугбек яратган расадхона уш даврининг етук илмий марказига айланган

эди. Темирийлар даврида Самарқандга Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий каби ҳиротлик етук шоирлар келишиб яшаб, ижод қилганлар.

Мустақиллик Самарқанднинг тақдирини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Бир неча ўн йиллардан буён қаровисиз ётган ноёб меъморчилик ёдгорликлари таямланди. 1996 йил 18 октябрда шаҳар байроғига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Амир Темур орденининг биринчисини тақдирлагани ва 18 октябрни «Самарқанд кўни» деб эълон қилиш ҳам бежиз эмас. 1994 йили Самарқандда ЎзФАнинг Самарқанд бўлими очилди. Бу «Улугбек академияси»нинг қайта тикланиши эди.

1994 йил улуғ олим Мирзо Улугбекнинг 600 йиллик юбилеи ЮНЕСКО хомийлигида аввал Парижда, сўнгра эса Самарқандда кенг нишонланди. Анъанавий тарзда «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали ўтказилиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд ўзини 2750 йиллик тўйини муносиб тайдир-ларлик билан қарши олмақда. Айни кунларда унинг дунё миқёсида обрўси, шон-шухрати янада ортаётир.

Муфтилло ЮСУПОВ ёзиб олди.
Самарқанд вилояти



Янги меҳнат бозори

Европа Иттифоқи давлатларида юқори малакали мутахассислар бозори иш бошлайди.

Бу ҳақда Европа комиссиясининг адлия, озоодлик ва ҳавфсизлик масалалари бўйича комиссари Франко Фраттини маълум қилди. «Кўк харита» деб номланаётган бу лойиҳага биноан меҳнат бозорида иттифоққа аъзо бўлмаган давлатлар фуқаролари шартнома асосида иш-лашлари мумкин бўлади.

Мутахассислар фикрича, «кўк харита» Европа Иттифоқи давлатларида айни дамда юзага келган юқори малакали ишчиларга бўлган эҳтиёж ўрнини тўлдирishi мақсадида йўлга қўйилмоқда. Охириги тадқиқотлар натижаларига кўра, Марказий Европада муҳандис, шифокор, аниқ фанлар ва компьютер технологиялари бўйича мутахассислар тақчиллиги кузатишмоқда.

Греция олов қуршовида

Грецияда иссиқ об-ҳаво ва қурғоқчилик туфайли юзага келган ноқулай шaroит тобора жиддий тус олмақда.

Мамаклат жанубидаги ўрмонзорларда содир бўлган ёнғин соат сайн янги худудларни қамраб бораётди. Минглаб гектар майдонларни қулга айлантираётган оловга қарши олиб борилаётган ку-

раш деярли натижа бермаётти. Ёнғин Греция пойтахти Афина ва ЮНЕСКО рўйхатида киритилган бир неча қадимий шаҳарлар остонасига яқинлашиб келар экан, ҳукумат жаҳон ҳамжамиятидан қўмақ сўрашга мажбур бўлмоқда.

Об-ҳаво мутахассислари яқин кунлар ичида Грецияда ёнғин ёғмаслиги ва ҳарорат 45 даражадан тушган тақдир-




да ҳам мамлакат осмонини ёнғиндан ҳосил бўлган қора туғун тарқ этмаслигини маълум қилишмоқда.

YETTI-IQIMDAN BIR SHINGIL

Мисрда қимматли топилма

Халқаро археологлар гуруҳи Мисрда қимматбаҳо топилмага дуч келишди. Александрия шаҳри портида қазий ишларини олиб бorgan олимлар қадимги сувости шаҳрини топишга муваффақ бўлишди.

Бу шаҳар Искандар Зулқарнайннинг Мисрда қилиб Александрияни барпо этишидан 7 аср аввал ҳам мавжуд бўлган. Асрлар давомида сув остидан панох топган бу шаҳарнинг кенглиги ҳозирча номаълум. Таҳминларга кўра, у Александриядан ҳам катта бўлиши мумкин. Шунингдек, шаҳарни барпо этганлар ва у ерда истиқомат қилганларнинг қимлиги ҳозирча маълумлигича қолмоқда.



Дунёда ҳар йили атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва антисанитария ҳолат туфайли 4 миллиондан ортиқ бола ҳалок бўлади.

Бепарволик жабрдийдалари

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш вазирлиги экспертлари томонидан жаҳоннинг қатор давлатларида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ноқулай санитария шaroит туфайли катта ёшдагиларга нисбатан аксарит ҳолатларда 5 ёшгача бўлган болалар кўпроқ азият чекади. Шу вақтга қадар Африка ва Осиёнинг айрим давлатларида бундай ҳолат кўп бора кузатилиб келинган.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Ш.САНАЕВ, С.ЭШТУРДИЕВ тайёрлади.

Хал қилувчи операция

Ливан армияси мамлакат жанубидаги Нарх ал-Барид фаластинлик қочқинлар лагерига якуний операция ўтказишга аҳд қилди.



Мана уч ойдири, «Фатх ал-Исло» жангари гуруҳи жангирлар лагер ичига беркинби олиб, ҳукумат қўлига қарши зарба бериб келмоқда. Утган ақшанба кўни жангирларнинг лагер ташқарисидаги назорат пунктига ҳужум уюштириши ҳукумат қўлининг сабр қосадини тўлдириб юборди. Ливан армияси қўмондони Мишел Сулаймон сўзига кўра, бу жанговар амалиёт барча зўравонликларга чек қўювчи охириги ҳаракат бўлади. Охириги 2 ой мобайнида Ливанда жангирлар ва харбийлар ўртасида кечган тўқнашувлар оқибатида 300 га яқин одам ҳалок бўлган.

Россия пойтахти Москвада содир этиладиган жиноятлар орасида хонадонларни тунаб кетиши биринчи ўринга чиқиб олган.

Авж олаётган майда жиноят

Мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, Москвада майда жиноят саналадиган бу турдаги ўйрилик ҳар йили 4-5 фоизга ортиб бормоқда. Шаҳар хонадонлари ўғирларнинг йиллик «даромадлари» 2 миллиард рублни ташкил этар экан.

Сиз нима дейсиз?

Айни ёзининг пишиқчилик - палласида бозорларимизда харидору сотувчилар ҳар доимидан кўра кўпроқ. Яқинда, Чорсу ва Миробод деҳқон бозорларига харид қилиш учун тушдим. Кун иссиқлигига қарамастан сотувчилар қўли-қўлига тегмасдан савдо қилишмоқда. Махсус чиқиндилар учун мўлжалланган идишлар тўлиб тўкилиб, овқ остида сочилиб ётгани киши эътиборини ўзига тартади.

Қулай шaroит ва фаровонлик

Тошкент вилояти фермер ҳўжаликлари томонидан Эски Жува деҳқон бозорига келтириладиган гўшт маҳсулотларига мўлжалланган музлат-лигларда сотувчиларнинг помидорлари териб қўйилганлиги, йўлларда эса аравага ортилган гўштининг туриши кишида ноҳус таассурот уяғотади. Бозордаги бу ҳолини кўриб тезроқ бу ерни тарқ эттириш келади.

Миробод деҳқон бозориди манзара эса тубдан бошқача. «Замонавий бозор» танловига беқорга қатнашмаётган эканда бу бозор деган фикрга келасиз беҳиштер. Чунки, бозорда яхшигина шарт-шaroит яратилган. Тарозидан уриб қолишга чек қўйиш мақсадида икки-уч ерга назорат тарозиси қўйилган. Бу ернинг чиқиндилардан ҳолилиги, озодалигини айтмай-сизми?

— Ҳўжайиним дала бошида. Биз эса жияним билан қовун-тарвузларни бозорга олиб келдик, — дейди янгийўллик Бахтигул опа. — Бозор иқтисоди шaroитида меҳнат қилган хор бўлмайди. Кимки астойдил ҳаракат этса бири-икки бўлаверади. Бугун «олма пиш, озгимга туш» деб иш тутадиганларга ҳавас қилиб бўлмайди. Мана шундай қулайликларга эга бўлган бозорда, албатта, савдонингиз бароридан келади.

Яна бир гап: харидор деҳқон-фермерларга қарашли савдо расталаридаги маҳсулотларни олибсотардан эмас биринчи кўлдан олонса, бозорларимиз янада арзонлашиб, дастурхонларимизга барака инармики?

Ғайрат ШИРИНОВ, журналист.

Кредит маблағи ажратилади

Тахририятимизга Фарғона вилояти Марғилон шаҳри Абдуғофуров кўчасида яшовчи Холиссон Назировадан «Ариза» келган эди. Унда уй-жой сотиб олиш учун кредит ажратиш масаласи хал бўлмаётгани баён қилинганди.

Биз аризани тегишли чора-тадбирлар кўриш учун АТИБ «Ипотека-банк»нинг Фарғона вилояти филиалига юбордик. Яқинда ушбу хат юзасидан банкнинг вилоят филиалидан жавоб олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

«... Фуқаро Х.Назирова томонидан 2007 йил 29 июнь тақдирини ҳўжатлар йиғма жилди банк мутахассислари томонидан қабул қилиниди ва ўрганиб чиқилиб, филиал кредит қўмитасининг 2007 йил 9

июль кунги ййгилиш баёнига асосан ижобий қарор қабул қилинди.

2007 йил 12 июль кунги фуқарога кредит шартномаси тузишга ва зарур ҳўжатларни тақдирини қилиши учун ёзма равишда мурожаат қилинди.

«Ипотека-банк» АТИБ Фарғона филиали фуқаро Х.Назирова томонидан талаб қилинган ҳўжатлар (олди-сотиш шартномаси, мулк суғуртаси, ипотека шартномаси ва уларнинг рўйхатдан ўтказилганлиги) тақдирини қилиниши ва дастлабки бадал тўлиниши билан у кишига кредит маблағи ажратилишини маълум қилди.

А.МўМИНОВ, «Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилояти филиали бошқарувчиси.

Фермер етакчи куч

Самарқандда бўлиб ўтган сайёр ййгилишда бу яна бир бор эътироф этилди

Яқинда Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмаси Марказий кенгашининг сайёр ййгилиши бўлиб ўтди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фермер ҳўжаликлари сонининг йй сайн ўсиб бораётганлиги, айниқса, диққатга сазовордир. Жумладан, 2004 йилда улар сони 104 минг, 2005 йилда 125 мингтани ташкил қилган бўлса, 2006 йил охирига келиб 185 мингдан ортиқ фермер ҳўжаликлари фаолият кўрсата бошлаган.

Фермер ҳўжаликларининг сони ва бошоқли дағи ўлуши 100

Фермер ҳўжаликлари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Бу бежиз эмас эди, албатта.

Қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда Самарқанд тумани доимо нешаддамлардан бўлиб, бу борада ўзига хос мактаб яратилган.

Иштирокчилар Самарқанд шаҳридаги «СамАвто» корхонаси фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар. Семинар давомида Пайриқў тумани Хартаг қишлоғидаги аб-Бўхорий зйёротгоҳи ва Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни зйёрат қилиш қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Мамадийр ЗИЕДИНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Анжуман

Бухоро шаҳридаги 15-мактаб ўқитувчиси, таниқли уста Неъмат Исломов 40 йилдан буён ёш авлодга касб-ҳунар сирларини ўргатиб келмоқда. Айни пайтда у 2007-2008 ўқув ййли дастирида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш учун тайёргарлик кўрмоқда.

СУРАТДА: Неъмат Исломов шогирдлари билан.

Ҳақим ҚУРБОНОВ олган сурат.



Шомъисси ҳам эътиборда

«Куаниш-жарма» ирригация тизими бошқармаси Қўйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси таркибига кирувчи ййрик корхоналардан бири.

Бундан тўрт йй муқаддам ташкил этилган ушбу корхона Тахтақўйлар, Қораўзақ, Кегайли, Нукус туманларининг экин майдонларини сув билан таъминлашга хизмат қилади.

— Жорий ййлда 24 та бирламчи сувдан фойдаланувчилар уюшмалари билан тузилган шартномалар асосида иш олиб бораёламиз, — дейди «Куаниш-жарма» ИТБ бошлиғи Жалғас Узоқов. — Вегетация даврида 70374 гектар майдонда суғориш ишларини олиб боришни режалаштирганимиз. Хозирча лимитимиздаги сувнинг 56 фоизини олиб, экин майдонларига етказиб бердик.

«Сув қадрини сувчи, зар қадрини заргар билар» деганларидек, мавжуд оби ҳаётини исроф қилмас-

Изланиш

Коракалпоғистон Республикаси

Меҳнатга яраша рағбат

Далада деҳқон ҳосилга ҳосил қўшмоқда, завод аҳли эса ҳосилнинг келажаги ҳақида ўйламоқда

Ҳосилга ҳосил қўшилаётган пахта далаларида ишлар авжи паллага қичди. Ҳадемай «олтин куз» этагини ёзиб келади. Ҳўш, далада деҳқон пешона тери эвазига етиштирилган ҳосил қабул қилиб олингандаги шохобчалар, пахта тозалаш заводларида қандай ҳозирлик кўришмоқда?

Ана шу саволга жавоб излаб, Тошлоқ пахта тозалаш заводи очик ҳиссадорлик жамиятида бўлдик. У ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

Тошлоқ тумани марказида жойлашган, 660 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган маъзур пахта заводи нафақат Фарғона вилояти, балки республикамиз миқёсидаги ййрик корхоналардан бири ҳисобланади.

— Корхонами, — дейди пахта тозалаш очик ҳиссадорлик жамияти раиси Муроджон ака Мирзалиев, — 50 минг тонна пахтани қайта ишлашга мўлжалланган. Корхона иштироғидаги 6 та пахта сакланадиган шохобчалар аллақандон мавсумга шай қилиб қўйилган. Айниқса, Заркент, Қумтөл, Пахтакор, Ғарбобо пахта пунктларида амалга оширилган ишлардан қўнғил тўк. Айни кунларда эса пахта тозалаш заводида сўнгги таъмирлаш ишлари ниҳоятга етказилмоқда.

Корхонанинг пахта сакланадиган майдончаларидан бошланган иш, чигит ва тола сакланадиган омборхоналарига сифатли амалга оширилган. Садриддин ака Маддолмов маъзур корхонада ишлаётганга 32 ййлдан ошди. Шогирдликдан иш бошлаган Садриддин аканинг ўзи бугун устоз. У киши шогирдлари Мўйсинжон Абдуллаев, Маширбай Рўзибоев, Қаримжон Азизов ва бошқалар билан биргаликда пахта тола-

матли мақолини ўқитгани-ўқитгани маъзур бўлмоқда. Вакт бамисоло оқар сув экан. Мана иш бошлаганимга 38 ййл бўлди. Бу орада отла куриб, 6 нафар фарзанднинг отаси бўлдим. Уғил-қизларини уйли-жойли қилдик. Худога шўкр, улар ортидан 10 нафар набиранинг бобосиман. Ҳаётда нимаким яхши ниятларга етган бўлсам, мана шу жонажон корхонамда меҳнат қилиб эришим.

— Бизда, — дейди корхона бош

Интилиш

механиги Баходиржон Абдулазизов, — ота касбини улуглаб меҳнат қилаётган кишилар қўнғилчини ташкил этади. Кишилар кўнғилнинг чилангари Худойберди ака Қосимов ота изидан бориб, корхонамизда ишлаётганга 21 ййлдан ошяпти. Қосимжон ота ҳам умрининг асосий қисмини пахта тозалаш корхонасига бағишлаганди.

Тола ажратиш чеҳида Руслан Йўлдошев билан Мухаммадумар Ҳомидовни ўчратдик. Улар «3-ХДД» ҳамда «ДП-130» машиналарини созлаш билан банд эди.

— Инсон омилига эътибор, — дейди корхона касабга уюшма раиси Юрсинали ака Мўминов, — ййлдан-ййлга ортиб бормоқда. Сўнгги бир ййи ичида ишчи-ҳизматчиларимиз томонидан 106 нафар киши корхона касабга уюшмасига ариза билан мурожаат этди. Шундан моддий ёрдам сўраб ариза ёзганларнинг барчаси ижобий ҳал этилди. 18 нафар ишчи эса соғлигини тийлаб олиши учун турли шикоятларга корхонами то-

Кредитда барака бор

Бугун бозорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тобора тўлиб бормоқда. Улар сифати, рақобатбардорлиги билан хорижникидан қолшмайди. «Пахта банк» томонидан маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган ана шундай товарларни сотиб олиш учун истеъмол кредитлари ажратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жорий ййл бошидан буён банк филиаллари томонидан аҳолига салкам 4,7 миллиард сўмлик истеъмол кредити берилди. Бу ўтган ййлининг шу давридаги нисбатан анча кўпдир.

Мамлакатимизда ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Пахта банк» томонидан бу ййналишда қарийб 1,1 миллиард сўм миқдорда микро, 805 миллион сўмлик ипотека ҳамда 1,2 миллиард сўмлик истеъмол кредити ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобига қарийб тўрт мингта, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар авазига эса ўн ярим мингдан зиёд янги иш яратилди. Утган ййил давомида касаначиликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 625 нафар тадбиркорга 487 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

Мижозини ўйлаган банк

Жорий ййлдан жисмоний шахслар учун муомала муддати 3 ойлик номинал қўйматини 10 минг сўм бўлган жами 50 миллион сўмлик депозит (омонат) сертификатлари муомалага чиқарилди. Янги омонат турлари жорий этилди. Айни пайтда «Қувонч», «Навбахор», «Наврўз», «Замин», «Ишонч», «Олтин куз», «Истиклол» каби омонатлар қаторига яна ўтаси қўшилди.

Фуқароларнинг коммунал тўловларидан нақд пул тушумини қўйатириш ҳамда бу борада аҳолига қўлайлиқлар яратиш мақсадида 11,7 та махсус шохбеча очилди. Ййл бошидан бери улар орқали 106,5 миллиард сўмлик тўлов қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 ййл 12 июлда қабул қилинган «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодийни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларига уларнинг иштирокчи фаолиятини чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни тикрорат банкларнинг капиталлашуви даражасини янада ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида, иқтисодийтаги тарбихий ўзгаришларда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда кенг иштирок этишида муҳим аҳамият касб этмади.

Ушбу ҳўжатга биноан, тегишли банклар қатори «Пахта банк»ка 25 миллиард сўм маблағ ажратилади. Шундан 15 миллиард сўми банк низоми жамғармасини қўйатиришга, қолгани эса мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини тўлик қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида кредит линиясини очик учун сарфлагини назарда тутилган.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқаришни ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодийтизимини ва халқимиз турмуш даражасини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бераётган самараларини оширишга хизмат қилади.

Жасур КЕНГБОВ, УзА муҳбири.

Шеробод – Сурхон воҳасидаги кўҳна ва айни чоғда йилдан-йилга қарай очиб, яшариб бораётган туманлардан бири. 143 минг нафар аҳолининг турмуши тобора яхшиланиб бормоқда. Турфа хил ноз-неъматга тўла тўкин-сочин дастурхонининг атрафидан меҳмон аримайди. Хўш, бунинг боиси нимада? – Мен сизга айтсам, – дейди туман ҳокими Рўзимурод ака Авазов, – халқимиз меҳнаткаш. Кўшимча даромад манбаларини қидиришади, излашади.

Ха, шерободликлар ер билан тиллашадиган, унинг саховатидан бахраманд бўла оладиган меҳнаткаш кишилардир. Эрта тонгда кўз уқалаб, ётиқдан бош кўтариши билан кўлига кетмон олиб, томорқасида ишлайди, ер чопади. Экинга ишлов беради, парваришлайди. Томорқа ерлари ҳам кам эмас, оила бошига 15-20 сотихдан тўғри келади. Деҳқончиликдан олинган даромад эвазига ҳар бир оилада 10-15 бошдан кўй-эчки, 2-3 бошдан қорамол бор.

анор етиштиришдан 8 миллион сўм соф даромад қилди. Бу йил унинг режалари янада катта. Эл дастурхонига 10 миллион сўмлик анор етказиб бериш ниятида.

Яна бир мисол. Абдусалом Мухаммадиев 20 сотих майдонда лимонзор барпо этган. Чўл шароитида лимон етиштириш осон иш эмас. Уни парваришлаш қийиндан катта маҳорат ва тажриба талаб қилади. Айниқса, қиш фаслида хиёлдеккина эътиборсизликка йўл

Хаво иссиқ, Кўёш борлиқ узра бамисоли олов пурқайди. Аммо сўяги далада қотган бободехон эса бунга олоқ парво қилмайди. 97 та фермер хўжалигида 1543 нафар матонатли миришкорлар мўл пахта ҳосили ишида меҳнат қила-япти. Бу йил гектаридан 40-45 центнердан пахта етиштириш ҳар бир фермернинг ўз олдига қўйган мақсади.

Фермерлар саховатпешаликда ҳам барчага намуна. Эзгу ишлар бошида эса маҳалла оқсоқоллари туришибди. Улар фермерларнинг маслаҳатчиси. Ободончилик юмушларига, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга бош-қош. Масалан, Амиробод даҳасига тоза ичимлик суви учун янги тармоқ тортилди. Ундан 159 хонадон бахраманд бўлмоқда. Шунингдек, Деҳқонбод, Ҳақимобод, Янгиариқ аҳоли манзилларида ҳам ичимлик сув тармоқлари янгиланди. Ҳақимобод даҳасига қувурлар тортилган бўлса-да, табиғий газ етиб келмасди. 3 километр узунликдаги тармоқ қайта таъмирланган, 210 оиланинг мушкул-и осон бўлди.

Маҳалла оқсоқоллари бош-қош бўлаётган жабҳаларда фермерлар савоб ишларга қўл уришмоқда. Масалан, Шерхон Тўхташев бошчилигида Ҳақимобод маҳалласида ўн д а н ортиқ маънавий хизмат кўрсатиш шох-обчалари очилди. Тадбиркор Тура Раззоқов эса эшик ва дераза ромлари, уй жиҳозлари ишлаб чиқариш устaxonасига асос солиди. Турсун Холмиразев шולי оқлаш, макарон маҳсулотлари тайёрлаш корхонасини ишга туширди. Назоқат Шердодина, Гулдаста Тўрабоева ташкил этган тикчилик цехида қишлоқнинг 23 хотин-қизи ишга жалб этилди.

Работяклик деҳқонлар етиштирган қовун ва тарвузларнинг тилими тилин ёради, доврўғи узок-узокларга бориб етган. Бошқа тур полдиз, сабзавот, картошка, помидор, бодиринг маҳсулотлари ҳар бир хонадоннинг ўзидан чиқади. Ҳеч қим 30 километр йўл босиб, туман марказидаги бозорга тушмайди. Работякда қоп орқалаб бозорлик қилиб келган киши уятга қолади, уни ҳамқишлоқлари изза қилишади. Аксинча томорқасида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларининг эҳтиёждан ортиққасини шаҳарликлар дастурхонига ариғмон этиб, миллион-миллион сўм даромад олиш имкониятига эга бўлишапти.

Шу ўринда кичик бир таҳлил: қишлоқ оқсоқоли Дўстмурод Қулмаматов хонадонлардаги томорқа ерларидан олинган даромаднинг ҳисоб-китоб қилиб чиқди. 2005 йили ҳар бир оила ҳисобига ўртача 2,18 миллион сўмдан тўғри келган бўлса, ўтган йили бу рақам 3,6 миллион сўмни ташкил этган. 2007 йили эса 4 миллион сўм мўлжалга олинган. Демак, Шерободда томорқа ерлари одамларнинг даромад олиш манбаига айланган. Турмуш фаровонлигининг манбаси мустаҳкам эканлиги кишини қувонтиради.

Омон ШУКУРОВ,
“Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.
Сурхондарё вилояти


Туманларнинг тақдирини ким масъул?

Эсламан, ҳовлимиз ўртасида менга қадрдон тут дарахти ўсарди. Аммо ҳар йили уни пиллачилар кесиб олиб кетишарди. Тут дарахтини асраб қолиш учун ҳеч нарса қилолмаслигимдан ўқинардим. Ушандан бери бу дарахтга меҳрим бўлакча. Бу дарахт билан боғлиқ муаммолар мени ҳечам бефарқ қолдирмайди.

Оқўрғон тумани “Султонобод” фермерлар уюшмаси ҳудудида 12 минг тут дарахти мавжуд. Шулардан 3 мингтаси кейинги 10 йилда ипак қурти боқиш мавсумида пала-партиш кесилиши оқибатида тарвақайлаб ўсиб, чакалакка айланиб кетган. Натияжада, бу тутлардан пилла қурти учун фойдаланишнинг иложи бўлмай қолди. Пилла боқиш учун тутзорларнинг йўқолиб кетаётганлиги, тут барғи захираларининг йўқлиги муаммо туғдирмоқда.

2006 йили бу ҳақда, яъни тутларнинг чакалакзорларга айланishi тўғрисида туман газетасига мақола ёздим. Аммо натижа чиқмади. Шундан сўнг икки ўғлим билан 25 хун давомиде саҳиз юз тут кесилмай қилиб кетган тут шохларини “қаллақлаб” чиқдик. Бу ишимиз учун ҳеч қимдан ҳақ талаб қилмадик.

2007 йил январь ойида ўша тутларнинг ҳолатини бориб кўрганимда ҳар бир тутдан 15 тадан 60 тагача бир қулочдан икки қулочгача барг берадиган шохлар ўсиб чиққанлигини кўрдим. Бу кўнглимни тоғдай кўтарди. Маълум бўлдики, тутларнинг чакалакзорга айланиб кетиши ҳоллари бошқа уюшмаларда ҳам мав-



Ушбу масала юзасидан туман “Кумуштола” раҳбарияти ва туман ҳокимиятига бир мерлар эса “Бизга бу тутлар умуман кераги йўқ, қурт боқиш биз учун қимматга тушмоқда, фойдаланишга бир

лик жамияти раҳбари Сайдахмад Абдурасулов бешта фермернинг ерида ана шундай 10 йилдан буюн “қаллақланмай” қолиб кетаётган тут шохларини рисоладагидек кесиб чиқиб учун фақат 1100 тасига беш юз минг сўм тўлай олаемиз, бошқа имконимиз йўқ, бу тутлар фермерларга қарашли, ҳақини улар тўлашсин, деб жавоб берди. Фер-

га оширилса, барг салмоғи кўпаяди, аҳолида пилла қуртини тутишга иштиёқ ортади. Демак, пилла етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилади.

Кейинги йилларда “Кумуштола” корхоналари шу пайтгача бошқа экинлар экилиб келинаётган ерларни ажратиб олиб, тут экишмоқда. Янги экиладиган тутлар барг бергунича қамиде тўрт-беш йил керак. Шунда ҳам бу янги ишқоллар илдиз олса, биз тақлиф қилган уқул эса бир йилдан кейиноқ ўз самарасини беради.

Шунингдек, уларни “қаллақлаш” оқибатида газ босими қишда кам бўладиган қишлоқларда 2-3 йилга етадиган ўтин захираси ҳосил бўлиб, айнан шу ҳудудларда тутларни тағидан кесиб кетиш ҳолларига ҳам чек қўйиларди. Харажатлар ҳам кам бўларди.

Бу фикрларимизни вилоят ҳокимлигиндан Асомиддин Зоҳидов қўллаб-қувватлади ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Гофур Жуманова бу иш билан жиддий шугулланишлари ҳақида топшириқ берди. Шундан кейин анча оворагарчилик ва қийинчиликлар билан бўлса-да, йигитларни тўплаб, ўз шахсий ҳисобимиздан нақд пул тўлаш шартини билан тут шохларини кесилиши бошладик. Биз қўлдан бу усул – тут шохларини тартиб билан кесиб, “қаллақлаш” келажакда тутзорларимизнинг асраб қолинишига ёрдам бўлса ажаб эмас.

Халил ҚАРШИБОВ
Тошкент вилояти

Томорқончи орқа қилганлар

Масалан, Бўстон қишлоғидагилар асосан деҳқончилик билан шугулланишади. Пахта ҳамда галла етиштириш борасида бўстонликлар олдиға тушадиган деҳқон кам. Улар бу йил гектаридан 50 центнердан ошириб, галла етиштиришди. Пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиш тадбирларини қўришапти. 103 гектар майдондаги боғдан йиғиштириб олинган мева йиллик режанинг 120-125



фоизини ташкил этди. Эллиқдан ортиқ фермернинг юзи ёруғ, қўлга қиритаётган ютуқлари салмоқли, даромади ҳам шунга яраша. Унинг 30-35 фоизини қишлоқ ободончилигига, эҳтиёжманд одамларга меҳр-муруват қўриштиришга сарфланаётганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Фўқароларнинг томорқа ерлари ундан-да обод. Масалан, тадбиркор Абдукарим Юсупов ер участкасининг асосий қисмини анорзорга айлантирган. Уларни парваришлашда илгор тажрибага таяниб, иш қўради. Қишда қаҳратон совуқдан асраш учун анор дарахтларини қўмса, баҳор ва ёз ойларида маҳаллий ўғитга тўйдиради, қондириб сўғоради. Қарабиски, ҳосилнинг мўлчилигини анорнинг шохлари ерга тегади, донна қарийб бир килограмм тош босади. Абдукарим Юсупов биргина ўтган йили

қўйилса бас, лимон туларини совуқ олиши, ҳосил барбод бўлиши ҳеч гап эмас. Шу боис, Абдусалом аханнинг кўни лимонзорда ўтади. Исикхонада бир хил ҳарорат бўлишини таъминлайди. Натияжада, ҳосил мўл бўлади. Оила бюджети ҳам бойиб бораверади. Ўтган йили Абдусалом Мухаммадиев фақат лимоннинг ўзидан 5,4 миллион сўм соф даромад олди.

– Худо хоҳласа, – дейди Абдусалом ака, – бу йилги мақсадим – 6,5 миллион сўмлик лимон етиштириш. Унинг 500 минг сўмини хайрли амалларга сарфламоқчиман.

Томорқа еридан кўшимча даромад олишда бўстонлик Нуриддин Алибоевнинг олдиға тушадигани йўқ. У 30 сотих томорқасидан бир йилда икки-уч бор ҳосил олади. Дастлаб қарам етиштириди, унинг ўрнига такрорий мош ёки ер-ёноқ экади.

Шеробода ҳар бир оила ўзининг асосий вазифасидан оладиган ойлигиндан ташқари, томорқа ҳисобидан кўшимча даромад қўради. Ана шундай ибратли ишларни қўшни Работяк қишлоғи одамлари фаолиятида ҳам кўрдик. Абдувоҳид Дусанов, Гаффор Янгибеков, Шерхон Тўхташевнинг сингари тажриба-ли деҳқонларнинг меҳнати элга манзур бўлаётганлигидан руҳи тетик, кайфи чок. Айни ёз чилласи, галвир сувдан кўтариладиган дамлар эмасми, ҳамма далада, қилган ҳалол меҳнатининг самарали натижаси яққол кўзга ташланиб турибди. Бир томонда қовун-тарвуз гарқ пишиб етилган. Иккинчи томонда қопларга жойланган галла остинма-устун тахлаб қўйилган.

– Бу йилги ризқ-насибамиз мўл бўлди, – дейди Шерхон Тўхташев. – Гектаридан 60 центнердан ошириб дон йиғиштириб олдик. Шартнома режасидан ортгани тўрт тоннадан кўп. Энди дўкандан ун харид қилишга ҳожат йўқ.

Работяк қишлоғидаги фермерлар иши билан танишмоқ учун дала кездик.

Кулмурод Исмаатовнинг асли касби иқтисодчи-ҳисобчи бўлсада, қишлоқ ҳудудида яшагани боис, деҳқончиликнинг ҳам, қорвачиликнинг ҳам ҳадисини эгаллаган. Қорвачиликка қизиқиши бўлакча бўлгани учун уйда 4-5 бош қорамол боқишни ҳеч қанда қилмайди. Қорамоллари ҳам жайдари эмас, сигирларнинг ҳар бири қунига 20-25 литр сут берса, бўрдоқига боқилганлари 600-650 килограмм тош босади. Бундай наслдор молларни ўзимизнинг шароитда мослаштириб кўпайтириш, қорвачиликни сердаромад соҳага айлантириш Кулмурод Исмаатовнинг кўнглидаги орузи эди.

Жорий йилда Шофиркон туманидаги собиқ “Бухоро” ширкат хўжалиғига қарашли бўлган қорамолчилик фермасининг қим ошди савдоси

базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратди. Шу мақсадда 5 гектар бедолага барпо этилди. Қолган майдонларга эса бошқа озқабол экинлар

Мулк ўз эгасини топса...

Маҳсулот салмоғи ҳам, манфаатдорлик ҳам ортади. Иқтисодий ислохотлардан қўзланган асосий мақсад аслида шу.

орқали сотилишини эшитган Кулмурод ана шу орузи ушаладиган вақт келганини аниқлади. Савдода омади чоғиб,

экилиб, парвариш қилинмоқда. Жорий йил охирида эса яна 15 гектар майдон бедолага айлантирилади.



ферманнинг биноси, 34 гектар экин ери, 80 бош қорамол, 2 та техника воситаси ва бошқа ускуналари билан унинг иҳтиёжлари берилади. Қорамолчилик фермаси ўрамада “Омад юлдузлари шодаси” номи қорвачиликка иҳтисослаштирилган фермер хўжалиғи ташкил этилди. Хўш, фермер иши нимадан бошлади, дерсиз? У, энг аввало, қорвачиликнинг асосий неғизи ҳисобланган озқу-

таёқ соми қамайиб, унинг маҳсулдорлиғи пасайиб кетгани ҳеч биримизга сир эмас. Мен бу соҳа ривожланган давлатларнинг тажрибасини яқиндан қўзатиб бораман. Уларда қорвачилик катта даромадли тармоқ ҳисобланади. Бу ютуқларга улар қорва озқуси таркибини ва қорамолларнинг зотини яхшилаб бориш эвазига эришишгани маълум. Бизда ҳам барча имкониятлар мавжуд. Фақат иштиёқ ва аниқ мақсад бўлса бас.

Ҳақиқатан ҳам фермер хўжалиғи ташкил этилгандан бери ўтган қисқа муддатда мақтаса арзиғулик қўрсаткичлар кўзга ташланмоқда. Масалан ширкат хўжалиғи даврида ҳар бир соғин сигирдан 4-5 литр сут соғиб олинган бўлса, ҳозирги кунда бу қўрсаткич 8-9 литрни ташкил этапти. Қорамол бош сони ҳам 80 бошдан 114 бошга етказилди.

Кулмурод Исмаатов билан суҳбатлашар эканмиз, унинг тимсолида қорвачилик соҳасининг жонқур вақилларидан бирини тасаввур этдик. Ниятимиз – шундай юртдошларимиз сафи кўпаяверсин.

Хамроз АЛИ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.
Бухоро вилояти

Иқболхоннинг касаначилари

Мирзачўл туманида Иқболхон Ахроновани барча танийди. Лекин аёллар шу қадар эъозлашадики, бунинг чеки ҳам, таъриф-тавсифи ҳам йўқ. Туман хотин-қизлар кенгаши раиси Мария Софоновна ҳар гал Иқболхон ҳақида гап очилса, “У туманимизнинг эрка қизи, тадбиркорлар юлдузи, қалби дарё, саховати денгиз”, дея такрорлагани-такрорларини.

Улар фирма ишчилари билан тенг ҳуқуқли

Унга берилган шу сифатлар ҳаёлимга ўрнашиб қолди-ю, қамина ҳам бот-бот такрорлайдиган бўлиб қолдим: “Қалби дарё, саховати денгиз”. Зеро, қалби дарё бўлмаса, саховати денгиз бўла олмайдими-да.

Келин, Мария Софоновна айтганидай, Иқболхоннинг дарё ва денгизи ҳақида муҳтасаргина, ўзим билганчагина ҳикоя қилай. Иқболхон Ахронова касби-қори жиҳатидан малакали бичувчи-тикувчи. Мирзачўл тумани марказидаги буюм бозорини ёнида кичикроқ цех қуриб, 16 нафар ёшларни аввал бичиш-тикушга ўргатган бўлса, сўнг уларнинг ҳар бирига биттадан тикув машинаси сотиб олиб бериб, ана шу цехда ишлатаётган ишбоши.

Дарё, деб аташган бўлса ажабмас. Бу дарёдан ҳосил бўлаётган “саховат денгизи”га келсак, бултўр Иқболхон ва унинг чеварлари 2,1 миллион сўмлик турли хил ҳомийлик хизматлари кўрсатишди. Кам таъминланган у оиланинг 7 нафар фарзандларига бепул кийим-кечақлар тикиб беришди. Спорт ва бошқа тадбирларга 500 минг сўмдан зиёд пул ўтказишди.

– Даромадимиз кўпая бошлагач, биз ҳам ўз ишончимизни тўе каттагина саноат корхонасидай ҳис эта бошладик, – дейди Иқболхон Ахронова. – Шу сабаб

Иқболхон бошлиқ қизлар ҳамма нарсани бичиб, тикишади. Аёлларнинг энг сўнги урфдаги қўйлак, жакет, костюм ва рўмоллари дейсизми, юрағида минг озула оила қурмоқчи бўлаётган буйқизларнинг тўе лиқларини ёнида кичикроқ цех қуриб, 16 нафар ёшларни аввал бичиш-тикушга ўргатган бўлса, сўнг уларнинг ҳар бирига биттадан тикув машинаси сотиб олиб бериб, ана шу цехда ишлатаётган ишбоши.

– Ижтимоий ҳимоя йили-Давлат Дастурига мувофиқ кам таъминланган оилаларга моддий кўмак уюштирилмоқда, – дейди туман халқ таълими бўлими ходими Раъно Ризаева. – Чунотчи, таълим масканларида ишлаб топилган маблағлар эвазига туманимиздаги 28 нафар оилага қорамол олиб берилиди.

Карманликлар Бахтиёр ака Одиловни буюн ҳаётини ёш авлод тарбиясига бахшида этган педагог сифатида қадрлашади. Турмуш ўртоғи билан биргаликда беш нафар фарзандини тарбиялаётган бу инсонни касбдошлари ҳамсукум ва қамтарлиғи учун ҳам ҳурмат қилишади. Яқинда мазкур мактаб жамоаси қасаба уюшма қарори билан Б.Одиловнинг оиласига бир бош сигир ҳада этишди. Мусаллам опа тумандаги 4-мактабда анча йилдан бери ишлади. Меҳнати билан қадр тоған. Мусаллам опа кейинги бир йил мўлбаинида қизинг хасталиғи боис, бир оз қийналиб қолганди. Яқинда мактаб жамоасининг Ижтимоий ҳимоя ҳайъати аъзолари мактаб хизматчиси Мусаллам Бахтиёвага кўмак беришга қарор қилишди. Опанинг ҳовлисига соғин сигир бузоғи билан элтиб берилди...

Бултур Иқболхон бошлиқ чеварлар туман марказидаги агроколлекж ётоқхонаси учун, “Гагарин маъдани суваржон” санаторийи учун, туман марказий касалхонаси ва иккита болалар бочғаси учун юзлаб матрас, ёстиқ ҳамда жилдлар тикиб беришди.

Иқболхон тинимсиз изланади, топди, татиқ этади. Юрагининг ана шу жўқинлиғига ишора қилиб “...қалби

баб Юртбошимизнинг аҳолининг иш-сиз вақилларини касаначилик фаолиятига жалб этиш ҳақидаги қарорлари ижросига баҳоли қўдрат ҳисса қўшганимизни очдик, – дейди Иқболхон Ахронова. – Бултўр йилни 1,8 миллион сўм соф фойда билан қўнган эдик. Жорий йилнинг биринчи яримдаёқ соф даромадимиз 2,2 миллион сўмдан ошди. Ахир, бу даромадлар фирмамизни кенгайтириш имконини беради-да! Шу боис, яқинда ишончнамизга яна 15 та хориж тикув машиналари сотиб олдик. Энди яна 10 нафар ишчи тақлиф этмоқчиман. Бунинг устига биринчи августдан бошлаб чеварларимнинг иш ҳақларини 25 фоиз оширялман.

Жамоамиз билан биринчи ярим йилликда ижтимоий ҳимоя мақсади учун бир миллион сўм пул сарфладик. Хали юрагимизда орузлар, кўнглимизда бундай эзгу мақсадлар жуда кўп.

– Баракалла! – дедик Иқболхонга. – “Қўли очкиннинг йўли очик”, дейишди. Эзгу ниятлардан айрилман!

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.
Жиззах вилояти

Ибрат

ИККИ ТОМОНЛАМА МАНФААТЛИ

Ўқувчиларга хунар ўргатиш мақтабданоқ бошланса, қандай яхши. Айтайлик, или масканларида сервис хизмати йўлга қўйилса, бу ўқувчиларга чуқур тилм бериш баробарида турли касб соҳаларига йўналтириш ҳам демакдир. Бундан ташқари, ишлаб топилган маблағлар орқали иқтидорли ўқувчиларга стипендиялар бериш, илгор педагогик тажрибалари билан танилиб бораётган ўқитувчиларнинг меҳнатини рағбатлантириш ҳам йўлга қўйилади.

Яъни, бу йўналишдаги ишлар икки томонлама манфаатлидир. Бу борада Кармана туманида ўрганса арзиғулик ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

– Ижтимоий ҳимоя йили-Давлат Дастурига мувофиқ кам таъминланган оилаларга моддий кўмак уюштирилмоқда, – дейди туман халқ таълими бўлими ходими Раъно Ризаева. – Чунотчи, таълим масканларида ишлаб топилган маблағлар эвазига туманимиздаги 28 нафар оилага қорамол олиб берилиди.

Карманликлар Бахтиёр ака Одиловни буюн ҳаётини ёш авлод тарбиясига бахшида этган педагог сифатида қадрлашади. Турмуш ўртоғи билан биргаликда беш нафар фарзандини тарбиялаётган бу инсонни касбдошлари ҳамсукум ва қамтарлиғи учун ҳам ҳурмат қилишади. Яқинда мазкур мактаб жамоаси қасаба уюшма қарори билан Б.Одиловнинг оиласига бир бош сигир ҳада этишди. Мусаллам опа тумандаги 4-мактабда анча йилдан бери ишлади. Меҳнати билан қадр тоған. Мусаллам опа кейинги бир йил мўлбаинида қизинг хасталиғи боис, бир оз қийналиб қолганди. Яқинда мактаб жамоасининг Ижтимоий ҳимоя ҳайъати аъзолари мактаб хизматчиси Мусаллам Бахтиёвага кўмак беришга қарор қилишди. Опанинг ҳовлисига соғин сигир бузоғи билан элтиб берилди...

Бундай эзгу ишлар туман халқ таълими бўлимига қарашли ҳамма мактабда амалга оширилмоқда. Карманлик зиялилар амалга ошираётган ушбу хайрли иш ўзининг ижобий натижаларини бериши табиий.

Бахридин САДРИДИНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.
Навоий вилояти

